

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 6 февраль, № 26 (4941) Шанба


*Чет эл ижтимоий-сиёсий арбоблари, академик ва эксперт гуруҳлари вакиллари орасида, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасига муносабат ва шарҳлар давом этмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ — ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТДИР

Дунё нигоҳи

Хусусан, Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Ван Аҳмад Ван Умар** маърузанинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тараққиётига тегишли қисмига эътибор қаратди. Жумладан, у мамлакат ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий сиёсат ва 2009 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоиз ўсишига хизмат қилган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилганини юқори баҳолади. «Ҳукумат томонидан юритилаётган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бошқариш, айниқса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг қўлга киритилгани Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигидан далолатдир», дея таъкидлади у.

Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, шунингдек, Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди. Унинг сўзларига кўра, электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоён қилди, бундан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

**АСЕАН Малайзия юридик ассоциацияси фахрий котиби С. Радхакришнаннинг** фикрича, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида иштирок этиши ва маъруза қилиши депутатларнинг ташаббускорлигини оширади, қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти самарадорлигини юксалтиради, ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокамасида, уларни ҳал этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, мамлакат тинчлиги ҳамда барқарорлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишида, Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатда демократияни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, халқ фаровонлигини оширишга содиқлигини тасдиқловчи демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда очиқлик ва амалийликни таъминлайди.

**Куала-Лумпур шаҳри ҳокими Аҳмад Фуад бин Исмоил** Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг асосий мазмуни ҳақида гапирар экан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатини кўрсатувчи иқтисодий тараққиётнинг юксак натижаларига эришилганини таъкидлади.

«Мамлакатда тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон ажойиб инвестиция салоҳиятига эга. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмоқда», деди у.

(Давоми 2-бетда).

## ФАЙЗУ БАРАКА ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари қатори қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Буни ўтган йил сарҳисоби яққол кўрсатиб турибди.*

*Дарҳақиқат, 2009 йил об-ҳавонинг ноқулай келганига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 5,7 фоиз ўсишга эришилгани қувонарлидир. Айтиш жоизки, бу Президентимиз раҳнамолигида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларга истеъмол молларини кафолатли равишда етказиб бериш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.*



Ифтихор

... "Эски жўва" бозорида яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим-у, ўшандан буён ич-ичимдан қувониб, аниқроғи, ғурурланиб юрибман. Гап шундаки, нон сотиладиган раста ёнида турган чет эллик аёл аввалига нонларни обдан тасвирга туширди, кейин бирма-бир кўздан кечира бошлади: ширмой, патир, лочира, обинон... Сотувчи қиз узатган нонни қўлига тутгач, ҳаяжонини яшира олмай, ўз тилида баланд овозда гапириб юборди:

— Қаранг, иссиқ экан? Ҳидини айтмайсизми!

Меҳмоннинг юртимизга илк бор келганини англаб, негадир, шу топда бозорларимиздаги тўкинлик, арзончилик билан мақтангим келиб қолди ва агар хоҳласа, унга бозорда ҳамроҳлик қилишимни айтдим.

— Экскурсавод қидираётган эдим, яхши бўлди, — деди у чеҳраси ёришиб.

Суҳбат асносида бу хоним грециялик Аспасиа Анапулос эканлигини билиб олдим. Мамлакатимизга иш юзасидан келган меҳмоннинг 3-4 соат бўш вақти бор экан. Уни мазмунли ўтказиш мақсадида бозорга отланибди. Хорижликка мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари, айниқса, қовун ғоятда манзур бўлибди.

— Бизда ҳам бундай неъматлар кўп, — деди у кўзлари ҳайратдан чақнаб. — Аммо булар тиниқ ранги, ширин мазаси, хушбўй ҳиди билан бутунлай фарқ қилар экан. Бундай сервитамин маҳсулотларга тўйган киши жисмонан бақувват, ақлан ўткир бўлиши, шубҳасиз.

Очиғи, бозорларимиз расталари саҳарданоқ иссиқ нонлар, сархил мева-чева, бандидан эндигина узилган полиз-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб туришига кўникканмиз. Йилнинг қайси фаслида бўлмасин, излаган нарсамизни ҳеч қийинчиликсиз топамиз. Энг муҳими, уларнинг нархидан асло оғринмайсиз, арзон. Лекин бу тўкинлик замирида не-не машаққатлар ётганини кўп ҳам мушоҳада қилавермаймиз.

(Давоми 2-бетда).

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

## АДАБИЁТ ҲАФТАЛИГИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ёшлар ахборот-ресурс марказида "Буюк шоир даҳосига эҳтиром" мавзуида адабиёт ҳафталиги бошланди.***

Улуғ мутафаккир таваллудининг 569 йиллигига бағишланган мазкур ҳафталикда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари ва талаба-ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Юртимизда миллий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда кенг фойдаланиш, йигит-қизларни умрбоқий анъана ва қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Ёшлар қалби ва онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат каби эзгу фазилатларни мустаҳкам қарор топтириш, уларда фидойилик, ҳалоллик сингари олижаноб фазилатларни шакллантиришда Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси алоҳида аҳамиятга эга.

Бобокалонимизнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этишда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муҳим ўрин тутади. 5 февралдан 11 февралгача давом этадиган навоийхонлик ҳафталигидан кўзланган мақсад ҳам шоирнинг олтин меросидан ёшларни кенг баҳраманд этишдир.

(Давоми 4-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ВАКИЛЛИК МАЖБУРИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Тадбир

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳамкор ташкилотлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидов ва бошқалар ўтган йил юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муҳим давр бўлганини таъкидладилар. Хусусан, мамлакатда икки палатали парламентга ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар муваффақиятли ўтди, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ислоҳ қилиш жараёни изчил давом эттирилди. Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда, айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам фаол иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, 2009 йилда Омбудсман фаолияти анча жонли кечди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, унинг ваколатларини сезиларли равишда кенгайтирди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Осиё омбудсманлари ассоциациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб кириши эса, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада оширди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бу борада йўл қўйилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақидаги шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ва бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга келиб тушган 10 мингдан зиёд мурожаатларнинг асосий қисми ўз ечимини топди. Фуқароларга мурожаатларида қўйилган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан амалдаги қонун нормалари кенг ва атрофлича тушунтирилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, йиғилишда парламент Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалари белгилаб олинди. Эслатиб ўтамиз, Омбудсманнинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи Олий Мажлис палаталари томонидан ҳам кўриб чиқилади.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» V миллий мукофоти

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.***

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартидан 2010 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

*Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:*

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Баркамол авлод йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

***Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:***
***Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.***
***Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.***
***www.Journalist.uz***

## Юксак маҳоратга муносиб рағбат



***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, холис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ва ҳиссаси беқиёс.***

Анжуман

Шу боис юртимизда журналистларнинг ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам бу борадаги долзарб масалалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлиги ва журналистларнинг масъулиятини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ – ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Араб университетлари уюшмаси бош котиби Солиҳ Ҳошим (Миср)** Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси кенг дастурий ҳужжат бўлиб, у шубҳасиз, мамлакатнинг янада ривожланиши ва гуллаб-яшнашини таъминлайди, деб ҳисоблайди. У «Президент маърузасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг алоҳида ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилгани жуда муҳим далил саналади», дея таъкидлади.

Афғон муаммосини тартибга солиш борасидаги Ўзбекистоннинг қарашлари ҳақида сўз юритиб, С. Ҳошим яқинда Лондонда Афғонистон бўйича бўлиб ўтган анжуман натижалари Ўзбекистон Президентининг ушбу масалани фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарининг тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилганини қайд этди. У шунингдек, бугунги кунда афғон муаммосини бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг ёндашуви араб-мусулмон дунёсида тобора кенгроқ қўллаб-қувватланаётганидан мамнун эканини билдирди.

Ўз навбатида, **Мисрнинг Инсон ҳуқуқлари жамияти раиси Абдулфаттоҳ Ҳамид** Президент Ислом Каримов маърузасида Ўзбекистоннинг демократия ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига содиқлиги ўз тасдиғини топганини таъкидлади. Шу ўринда у сўнгги йилларда Ўзбекистонда жиноий жазо тизимини янада либераллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилинганини юқори баҳолади. У жамиятда демократик ислоҳотлар ва матбуотни ривожлантириш бўйича Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жараёнлари босқичма-босқич, изчил, тизимли ва тадрижий равишда амалга оширилаётганига алоҳида урғу берди.

**«Покистон мусулмонлари лигаси» партияси етакчиси Чаудри Шужоат Ҳусайн ва ушбу партия бош котиби Сайд Мушоҳид**лар Президент Ислом Каримовнинг минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик масаласи ҳақидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратишди. Таъкидландики, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон борасидаги ёндашуви ўзининг мантиқийлиги, амалийлиги ва Афғонистондаги тарихий ҳамда бугунги кунда мавжуд бўлган ҳолатнинг тўғри баҳоланганига асослангани билан ажралиб туради.

**Покистон Сенатининг саноат масалалари қўмитаси раиси, сенатор Гауе Бахш Махер** «Охирги 20 йил давомида Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўприклар ва темир йўллари қурилиши, электр энергияси етказиб бериш борасида амалий ёрдам кўрсатмоқдаки, бу афғон аҳолиси учун ҳаётий зарур шароитларни яхшилашга қўшилаётган жиддий улуш бўлмоқда», дея қайд этди.

**БМТнинг Покистондаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Акчура** Президент Ислом Каримов маърузасида ўз аксини топган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги интилишлар Ўзбекистоннинг кучли жамият қуриш йўлидан оғишмаслигини яна бир бор исботлашини таъкидлади. «Тинчлик ва хотиржамлик, ижтимоий жипслик ҳукм сурадиган ва мамлакатнинг янада гуллаб-яшнаши ҳамда тараққий этиши йўлида халқ оммавий равишда саъй-ҳаракатлар олиб борадиган ўлка — Ўзбекистонда фаолият юритган даврларимни илиқ хотиралар билан эслайман. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг бошиданоқ мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, шунингдек, этник гуруҳлар ва конфессияларга дахлдор вазифаларни ўз вақтида ечиш борасидаги ёндашувининг тўғри эканига ёрқин мисолдир», деди у.

**Россия Сиёсий коньюктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти Евгений Войко**нинг фикрича, Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси, бу — бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг якунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш ҳамдир. Депутатлар фаолиятига танқидий назар билан қаралиши Қонунчилик палатасининг янги таркибига масалага ўз мажбуриятини англаган ҳолда ёндашиши, ўздан олдин ушбу вазифани бажарганларнинг фақат эришган натижаларигагина эмас, хатоларига ҳам эътибор қаратишига имкон беради.

— Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча тармоқларини модернизация қилиш ва Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади, — деди Е. Войко. — Шунингдек, Ислом Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрини эътиборга молик, деб ҳисоблайман. "Қонун" тушунчасининг ўзини теран англаб етмасдан, унга тизимли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдеворига қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳуқуқий масаланинг долзарблашуви — халқ томонидан сайланган вакилларни мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим даъватдир.

У шунингдек, модернизация хусусида тўхталиб, мамлакатнинг барча ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини муболағасиз акс эттирувчи, иқтисодий аҳамиятга молик масалани эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини айтди. Янги сайланган депутатлар олдида аввалги депутатларга қараганда анча мураккаб вазифалар турибди. Бу Ўзбекистоннинг инқироздан кейинги иқтисодий тараққиётини белгилаш ва глобал институтлар фаолияти негизларини қайта кўриб чиқишга асосланиб, умумжаҳон сиёсий-иқтисодий жараёнларига фаол қўшилгани билан изоҳланади.

Шу маънода, россиялик эксперт «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси балки мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, зотан, маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салоҳияти юқори эканлигига очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди», дея таъкидлади.

**«Независимая газета» (Россия) нашри шарҳловчиси Виктория Панфилова** ҳам Президент Ислом Каримов маърузасининг асосий моҳияти ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим. Қўшни Афғонистондаги муаммо ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти «Қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади», дея таъкидлади. Буни олдиндан тўғри англаган ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти кўп йиллар давомида энг нуфузли халқаро минбарлардан туриб ушбу зиддиятни бартараф этиш бўйича амалий таклифларини илгари сурди. Бугун мазкур мамлакатдаги вазиятни тартибга солиш бўйича ёндашувни тубдан ўзгартириш зарурати аён бўлмоқда. Шу маънода, кўп миллатли афғон халқининг миллий урф-одатлари ва диний қадриятларининг топталмаслигини таъминлаш жуда муҳимдир. Илгари ҳам Президент Ислом Каримов Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш лозимлиги ҳақида гапириб, афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бу муаммо комплекс ёндашувни тақозо этади, деб айтган эди.

**«Жаҳон» АА.**

# ИЗЛАНИШНИНГ САЛМОҚЛИ САМАРАСИ

***Ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, яъни четдан келтирилаётган хом ашё ҳамда бутловчи қисмларни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.***

**Қарор ва ижро**

Президентимизнинг "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори, айниқса, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш имконини берди. Жумладан, ушбу дастурнинг изчил ижроси туфайли яқин давргача хом ашё ва бутловчи қисмлар масаласида импортдан фойдаланган "Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамияти фаолияти тубдан ўзгарди. Эндиликда машинасозларнинг ўзлари бутловчи қисмларнинг 85 фоизини тайёрлашаяпти.

Корхона цехларида бугунги кунда нефть, газ ва энергетика соҳаси учун зарур бўлган қувур арматуралари, конвейерли ролик, сурма қопқоқ сингари 32 турдаги металл жиҳозлар ишлаб чиқарилаётир. Уларнинг аксариятини ишлаб чиқариш сўнгги йилларда ўзлаштирилди. Табиийки, бунда корхоналарнинг ихтирочи муҳандис ва техник ходимлари ҳамда фаолияти кучайтирилган асбобсозлик цехининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, изланишлар натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёнига биргина сурма қопқоқларнинг 20 дан ортиқ тури қўшилди. Бу, ўз навбатида, ана шу маҳсулотни тайёрлаш учун четдан олинадиган бутловчи қисмларга сарфланадиган валютани тежаш имконини берди.

Машинасозлар ўтган йили, шунингдек, мазкур йўналишда яна бир лойиҳани амалга ошириб, юқори босимга чидамли янги турдаги сурма қопқоқ ускунасини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Қисқа фурсат ичида тайёрланган 218 дона шу турдаги маҳсулотни ишлатиб кўрган буюртмачилар унинг сифатига юқори баҳо бердилар. Умуман олганда, корхона локализация масаласида анча илгарилаб кетди. Маҳаллийлаштириш дастури ҳисобига тайёрланадиган маҳсулотлар миқдори бизнес-режадагига нисбатан икки баравар ёки 1 миллиард 258 миллион сўмга етказилгани бунинг яққол тасдиғидир. Бошқа жиҳати, дастурни бажариш жараёнида қўшимча равишда 37 та иш ўрни яратилди.

— Ички бозордаги харидорларимиз орасида "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккимёмаш" давлат акциядорлик компаниялари, "Ўзбекнефтгазхолдинг" таркибига кирувчи йирик корхоналар бор, — дейди акциядорлик жамияти режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи Латифжон Жалолов. — Мамлакат иқтисодиётининг қон томирлари бўлган ушбу тизимлар узлуксиз фаолиятининг бир томони бизга ҳам боғлиқлиги, табиийки, зиммамизга катта масъулият юклайди. Эътиборлиси, тайёрлаётган механизмларимизнинг сифат жиҳатидан халқаро андозаларга мослиги уларга жуда маъқул келаётир. Қатъий интизом, меҳнат унумдорлиги ва сифат тўрт юзга яқин киши меҳнат қилаётган аҳил жамоа интилишларининг бош мезонига айланган. Шу туфайли шериклар олдида юзлари ҳамиша ёруғ: шартномавий мажбурият имзоландими, албатта, уддасидан чиқилади. Мана, ўтган йили ҳам 2 миллиард 160 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 2008 йилдагига нисбатан ўсиш 17 фоизни ташкил этди.

"Наманганмаш"да ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш борасидаги изланишлар изчил давом этаяпти. Яқин вақт ичида яна бир туркум янги кўринишдаги маҳсулотни конвейерга қўйиш ҳаракати бошлаб юборилди.

Муҳим жиҳати, янги ускуналар бозор талабларидан келиб чиқиб, буюртмачиларнинг таклифи асосида ишлаб чиқарилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юксак маҳоратга муносиб рағбат

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликларга жавобан айни кунда оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг илғор, ҳозиржавоб ҳамда янгиликка интилувчан куч сифатида намоён бўлиши тақозо этилаётир. Қолаверса, замонавий журналистиканинг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда уларда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш бугуннинг муҳим талабларидир.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов айни шу мақсадлар рўёбига кенг йўл очаётир.

Жорий йилда мамлакатимизда мазкур мукофот учун бешинчи бор танлов ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

— Маҳаллий ва хорижий журналистларнинг ушбу танловга қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Ш. Ғуломов. — Жумладан, "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган эди. 2009 йилда эса номзодлар сони кўпайиб, 400 га яқин иштирокчи орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Шу ўринда "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танловда мукофотлар миқдори, ғолиблик номинациялари тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилда телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларида жами 27 та номинация (1 та бош миллий мукофот, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи мукофот) бўйича ғолиб ва совриндорларни аниқлаш ва тақдирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 2010 йилда танловнинг мукофот жамғармаси 113 миллион сўмдан ошиб, ўтган йилдагига нисбатан қарийб 29 миллион сўмдан зиёдни ташкил этади. Бундан ташқари, бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам танлов учун турли мукофотлар таъсис этилган.

Йиғилишда "Олтин қалам" V Миллий мукофоти танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибига ўзгартиришлар киритилди, унинг иш режаси тасдиқланди ва ишчи гуруҳи тузилди.

**Ф. БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқларда замонавий саноат корхоналарини барпо этишнинг аҳамияти катта. Бу борада Бухоро вилоятида муайян тажриба тўпланган. "Жондормегатекстилсервис" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга далил бўла олади.***

**Маҳаллий саноат**

— Сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз Германиядан келтирилган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган, — дейди цех бошлиғи Собир Йўлдошев. — Бу ерда Хумдонак аҳоли пункти ва ён-атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилаётган 50 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

Сочиқларимиз бичими, дизайни ўзига хослиги билан ажралиб туради, сифати эса буюртмачиларга маъқул. Шу боис маҳсулотларимизнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлари кўпайиб бормоқда. Ўтган йили 400 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди.

Корхонада маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган бўяш цехининг ишга туширилиши ҳисобига маҳсулот таннархи 20 фоизга арзонлашгани эътиборлидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАЙЗУ БАРАКА ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўлами айтарли даражада пасаймаётган бугунги мураккаб шароитда дунёнинг кўпгина давлатларида озиқ-овқат танқислиги юзага қалқиб чиқаётгани айни ҳақиқат. Оқибатда кундалик рўзғор учун харид қилинадиган муҳим маҳсулотларнинг нархи тобора ошиб бормоқда. Ана шундай бир пайтда юртимизда барқарор иқтисодий ривожланиш сақлаб қолинаётгани, истеъмол моллари билан узлуксиз таъминланаётгани халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланаяпти.

Айниқса, Президентимиз 2008 йил 20 октябрда имзолаган "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа истиқболида қўшимча имкониятларни вужудга келтирди. Мазкур ҳужжатга асосан, 2009 йилда озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлар 75,8 минг гектарга оширилди. Пировардида ғаллачилик тарихида илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ сара дон етиштирилди. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари ерлари мақбуллаштирилиб, уларга қулай шарт-шароит яратиб берилгани боис ҳосилдорлик суғориладиган ерларда гектарига ўртача 50 центнердан ошиб кетди. Ғалла мустақиллигимиз янада мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, тармоқдаги кенг қамровли ислоҳотлар 2009 йилда жами 10 миллион 770,7 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 5704,7 минг тонна сабзавот, 1523,5 минг тонна картошка, 1100 минг тонна полиз, 1542,9 минг тонна мева, 899,6 минг тонна узум, шунингдек, 1367,3 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 5760,7 минг тонна сут ва 2715,8 миллион дона тухум етиштириш имконини берди. Эътиборли жиҳати шундаки, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 1 миллион 205,1 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилган бўлса, 414 минг тоннаси экспорт қилинди, 385,4 минг тоннаси уруғлик учун ажратилиб, қолган қисми ички бозорга чиқарилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, маҳсулот етиштириш ҳажмининг бундай юқори ўсиш суръатларини фермерларнинг самарали меҳнат қилишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиб берилгани, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, манфаатдорлиги ошиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Чиндан ҳам, 2009 йилда фақат сабзавот ва картошка экинлари майдонлари 14 минг 560 гектарга кенгайтирилди, уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари дала бошигача етказиб берилди. Тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналарига белгиланган миқдорда кредит маблағларининг кечиктирилмасдан ажратилиши эса, ўз навбатида, фермерларга бўнак маблағларини вақтида беришни таъминлади.

Шу билан бирга, ҳар бир туманда уруғлик, кўчат сотишга ихтисослашган жами 629 та янги дўкон ишга туширилди, 1029 та иссиқхона қурилди. Жойларда маҳсулот етиштиришда муқобил имкониятлар ишга солинганини туфайли эса дала уватларида ҳам (қарийб 32 минг гектарга тенг) қўшимча равишда полиз, сабзавот, картошка маҳсулотлари етиштиришга муваффақ бўлинди.

Бугун нафақат мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан, балки тайёр маҳсулотларимиз билан ҳам мақтана оламиз. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан қайта ишлаш тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли заминимиз неъматларини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми тобора кенгайиб бораётир.

Деҳқонлар етиштирган маҳсулотларининг маълум қисмини шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига сотган бўлса, яна бир қисмини 2009 — 2010 йиллар қиш-баҳор мавсумлари учун ғамлаб қўйдилар. Аниқроғи, 521,7 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилди. Бу аҳолини қиш ва баҳор ойларида ҳам арзон истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш имконини бермоқда.

Шу ўринда бир ҳолатга — тўй дастурхонига эътибор қаратишингизни хоҳлар эдик. Юртимизда тўйларнинг кети узилмайди. Очиғи, тўй — халқимиз фаровонлигининг белгиси. Бундан бир қувонсак, улардаги тўкинлик, мўлкўлчиликдан ўн бор қувонасан, киши. Аммо дастурхонларга озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чева, нон ва бошқа мўътабар неъматларнинг ҳаддан зиёд кўп тортилиши оқибатида улар исроф бўлаётгани ачинарлидир. Наҳотки, дастурхонни эҳтиёжга яраша ноз-неъматлар билан безатишнинг иложи бўлмаса? Бор, албатта. Лекин тўй соҳиблари орасида йиллар давомида йиққан пулини фарзандларининг эртанги камолидан кўра, дастурхонда очиқ жой қолдирмай "тўкиб ташлашга", шу орқали ўзини "кўрсатиш"га ҳаракат қилаётганлар ҳам борлигига нима дейсиз?

Борингки, бунинг уддасидан ҳам чиқди, дейлик. Оқибат тўйга келганлар узоғи билан бир ҳафта унинг шоҳона дастурхони ҳақида сўзлар. Бу билан нимага эришилади? Унинг ҳосиласи фақат увол, исроф, бир сўз билан айтганда, йўқотиш, холос.

Беихтиёр ўйга толасан, киши: маросим эгалари шу топда дунёнинг ҳар бурчагида қанчадан-қанча одам бир бурда нонга зорлигини ҳис қилармикан? Ювиндига қўшилиб кетаётган ноз-неъматлар, чиқиндига чиқариб юборилаётган сархил меваларни етиштириш учун қанчадан-қанча маблағ сарф этилгани-ю, неча-неча кишиларнинг меҳнати сингганини-чи? Муболаға бўлмаса, дабдабали тўйларга тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми ёш оиланинг қарийб йиллик эҳтиёжини таъминлар экан. Демоқчимизки, қамровни кенгроқ олиб, ён-атрофга теранроқ назар ташлайлик.

Аслида, бугунги фаровонлик ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Унинг пойдевори Юртбошимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ қўйилганди. Буни фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши, чорвачиликни ривожлантиришга бўлган эътибор мисолида кўриш мумкин. Пировардида қишлоқ хўжалиги жадал ривожланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари сероблигига, нархи эса арзонлигига эришилди. Буларнинг барчаси яшаш шароитларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага олиб чиқиш йўлидаги эзгу ишларнинг ёрқин ифодаси эканлиги кишига фахр бағишлайди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Моддий ёрдам кўрсатилмоқда

***Жорий йилнинг январь ойи ўрталарида Гаитида содир бўлган зилзила қурбонлари сони 212 минг кишига етди.***



Бу ҳақда мамлакат бош вазири расмий ахборот берди. Унинг таъкидлашича, ҳаётдан кўз юмганлар сони яна ошиши мумкин. Жаҳон ҳамжамиятини ларзага солган мазкур табиий офат оқибатида 3 миллион киши жароҳатланган, 250 мингта бино вайронага айланган. Мутахассислар Гаитини тиклашга тахминан 25 йил кетишини айтишмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу мамлакат аҳолисига моддий ёрдам тариқасида 562 миллион АҚШ доллари ажратган.

### Олдини олса бўлади

***4 февраль дунёда Бутунжаҳон саратонга қарши курашиш куни сифатида кенг нишонланди.***

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қошидаги Саратонга қарши кураш халқаро уюшмаси вакилларининг фикрича, ушбу хасталик вақтида профилактика қилинса, жаҳон бўйича бу дардга чалинганлардан 40 фоизининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан.

Ҳар йили 12 миллион кишида саратон касаллиги аниқланади. Улардан 7,5 миллион нафари ушбу дард қурбонига айланади.

### Экологик кимошди савдоси

***Лондондаги "Кристи" кимошди савдо уйи экологик аукцион ташкил этмоқчи. Ушбу хайрия тадбиридан тушган маблағ атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ҳисоб-рақамига ўтказиб берилади.***

Мазкур тадбир жорий йилнинг 22 апрели, яъни Ер сайёраси кунида бўлиб ўтади.

"Рейтер" ахборот агентлигининг маълумот беришича, кимошди савдосига таниқли рассомлар Олафур Элиассон, Субодх Гупта, Кит Тайсон ва бошқаларнинг асарлари қўйилиши режалаштирилган.

### Кинокомпания сотувда

***"Access Industries" холдинг компанияси жаҳон киносаноатида номдор саналган "Metro-Goldwyn-Mayer"(MGM) компаниясини харид қилиши мумкин.***




Гап шундаки, ҳозирда кинокомпаниянинг қарзи 3,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу сабабдан ўтган йили "MGM" раҳбарияти уни сотишга қарор қилган.

Айтиб ўтиш жоиз, кино мухлисларида катта таассурот қолдирган "Бен Ҳур", "Шамолларда қолган ҳисларим" ва Жеймс Бонд қаҳрамонлигидаги туркум фильмлар айнан "MGM" компанияси томонидан суратга олинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ватанимизнинг обрў-эътибори ва равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасида бўлган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Уюшма раиси И. Латипов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Жўраев, «Нуроний» жамғармаси раиси Э. Боқибоев ва бошқалар юртимизда ёшлар камолоти ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, маънавий ҳаётимиз, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ҳамда анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавий дунёсини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз неъмат — мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини, ўтган йилларда халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларни, барча жабҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёшларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанимиз тарихига ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат, юртга муҳаббат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш долзарб аҳамиятга эга. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишга «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ёшлар қалбига Ватан тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини сингдириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи плакатлар, постерлар, тасвирий воситалар, паннолар тайёрланиб, шаҳар, қишлоқ ва туманларни безашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир қатор вазирликлар, идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар ташкил этилаётир. «Энг улуғ, энг азиз!», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билимдони» каби кўрик-танловлар, маърифий анжуманлар шулар жумласидандир. Айни пайтда «Ёшлар диний экстремизмга қарши», «Маҳалланг тинч — юртинг тинч» каби мавзулардаги туркум плакатлар йигит-қизларни миллий маънавиятимиз учун ёт, зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги долзарб вазифалари белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Фарғона томонларда

***Учкўприк туманилик тадбиркор В. Қодиров шахсий маблағи ҳисобига гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Учкўприк нафис" корхонасини фойдаланишга топширди.***

### Қўшимча даромад манбаи

Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда бир тоннагача гўшт қайта ишланиб, эл дастурхонига 8 турдаги колбаса маҳсулотлари етказиб берилаяпти.

Айтиш лозимки, тадбиркор саъй-ҳаракати билан 9 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

### Эски бино ўрнида муҳташам сарой

***Марғилонлик тадбиркор Т. Юнусов шу пайтга қадар фойдаланилмай ётган эски ошхона биносини тўлиқ таъмирлаб, турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган тантаналар саройини фойдаланишга топширди.***

Бунинг учун у таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади.

Эътиборлиси, 500 кишига хизмат кўрсатадиган ушбу муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилиши билан 20 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Иш берувчилар диққатига!**
Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси

O'ZBEKINVEST · "O'ZAGROSUG'URTA" DAVLAT AKSIYADORLIK SUG'URTA KOMPANIYASI · KAFOLAT · Alliance Insurance · ALSKOM · ASIA insurance · IShONCh · KAPITAL SUG'URTA страховая компания · Standard Insurance · O`ZBEKINVEST HAYOT · UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

Хизматлар лицензияланган

90R/122

**Интилиш**

***Янгиердаги "Кармента Ян Текс" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида модернизация ишлари амалга оширилгач, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортди.***

### Икки ҳисса ўсиш

Хусусан, якунланган йилда корхона жамоаси 1 миллион 605 минг погонометр ёки 2 миллиард 158 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Айни пайтда 268,4 минг АҚШ долларилик газлама хорижга экспорт қилинди.

Айтиш лозимки, корхонада янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 52 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 145-сонли қарорини бажариш юзасидан**

## «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ

**танловда қатнашишга таклиф этади.**

**Танлов номи** — Фарғона вилояти электр тармоқларининг туман ва шаҳарларидаги электр таъминоти корхоналарида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд — Фарғона вилоятининг электр таъминоти корхоналари.

| Т/р | Шаҳар ва туман электр тармоқлари | Танлов ўтказиш муддати | Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Охунбобоев ТЭТ | 2010 йил 19 март соат 14.00 да | 2010 йил 18 март соат 17.00 гача |
| 2. | Учкўприк ТЭТ | 2010 йил 26 март соат 14.00 да | 2010 йил 25 март соат 17.00 гача |
| 3. | Ўзбекистон ТЭТ | 2010 йил 16 апрель соат 14.00 да | 2010 йил 15 апрель соат 17.00 гача |
| 4. | Қува ТЭТ | 2010 йил 23 апрель соат 14.00 да | 2010 йил 22 апрель соат 17.00 гача |
| 5. | Қўқон ШЭТ | Такрорий танлов 2010 йил 14 май соат 14.00 да | 2010 йил 13 май соат 17.00 гача |
| 6. | Фурқат ТЭТ | 2010 йил 21 май соат 14.00 да | 2010 йил 20 май соат 17.00 гача |
| 7. | Марғилон ШЭТ | Такрорий танлов 2010 йил 18 июнь соат 14.00 да | 2010 йил 17 июнь соат 17.00 гача |
| 8. | Риштон ТЭТ | 2010 йил 25 июнь соат 14.00 да | 2010 йил 24 июнь соат 17.00 гача |
| 9. | Олтиариқ ТЭТ | Такрорий танлов 2010 йил 20 август соат 14.00 да | 2010 йил 19 август соат 17.00 гача |
| 10. | Бувайда ТЭТ | 2010 йил 27 август соат 14.00 да | 2010 йил 26 август соат 17.00 гача |
| 11. | Боғдод ТЭТ | 2010 йил 24 сентябрь соат 14.00 да | 2010 йил 23 сентябрь соат 17.00 гача |
| 12. | Бешариқ ТЭТ | 2010 йил 22 октябрь соат 14.00 да | 2010 йил 21 октябрь соат 17.00 гача |
| 13. | Фарғона ШЭТ | 2010 йил 26 ноябрь соат 14.00 да | 2010 йил 25 ноябрь соат 17.00 гача |
| 14. | Тошлоқ ТЭТ | 2010 йил 17 декабрь соат 14.00 да | 2010 йил 16 декабрь соат 17.00 гача |
| 15. | Данғара ТЭТ | 2010 йил 24 декабрь соат 14.00 да | 2010 йил 23 декабрь соат 17.00 гача |

**Танлов ташкилотчиси** — «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ.

***Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:***

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

***Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:*** Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй, Шарқий магистраль электр тармоқларининг мажлислар зали.

Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

***Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, устави ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккиламчи рақамлар асосида, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
- инвесторнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

***Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:***

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказадилар: 22604000800215289021, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Фарғона бўлими, МФО: 00494, СТИР: 200144930, ОКОНХ 11170.

**Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш керак: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-«А» уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-373) 223-38-47, 224-54-00, 223-29-01.**

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида, гаров суммаси эса — энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдорида белгиланган.

Танлов ҳужжатлари учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов комиссиясига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

92R/143

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
**«ИҚТИСОДЧИ»**
*ўқув маркази*



**сизларни қуйидаги ўқув-тайёрлов курсларига таклиф этади:**

- ✓ математика;
- ✓ инглиз тили;
- ✓ ўзбек тили ва адабиёти;
- ✓ рус тили ва адабиёти;
- ✓ компьютер саводхонлиги.

*Машғулотлар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда 2010 йил 15 февралдан бошланади.*

Манзил: **Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 5-ўқув биносининг 2-қавати.**

Маълумот учун телефон: **(8-371) 232-60-03.**

93R/134

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти жамоаси нашриёт ходими Мухтабар Абдуллаевага падари бузруквори

**Абдураззоқ РАҲМАТУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O`zbekiston" телерадиоканали ДУК Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири Ҳалима Маҳаматсаидовага акаси

**Лутфулла МУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат ўрмон хўжалиги жамоаси бош ҳисобчи Владимир Кимга отаси

**Пётр КИМнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзагромашсервис" уюшмаси жамоаси уюшма тизимида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, "Вобкент туман машина-трактор парки" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Халлоқ ШАЙДОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдарлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

